

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Рихсибой ТИЛЛАЕВ
Тошкент Давлат аграр
университети
профессорлари

ЯНГИ ФИКР
ЭХТИЁЖИ

Бугун ўқувчиларнинг мактабда ва мактабдан ташқари ҳолатда билим олиши, фойдали иш билан шуғулланиши барчани чуқур ўйлантираётган, янги ёндашувларни талаб этаётган жараёндир. Ўқитувчилар, ота-оналар, ўқувчилар, таълим муассаддари бу борада ўз қарашларини тармоқ нашлари, телевидение орқали айтишмоқда. Ранг-баранг таклифларни қўриб, қузатиш асосида баъзи фикрлар туғилди.

Бизга ёздилар

Маълумки, тўғарақ – машғуллар, дарсдан ташқари қилинадиган барча оммавий ишларни уюштириш маркази ва унинг ихчам шакли ҳисобланади. Ўзим меҳнат қилаётган Бекобод техника-иктисодиёт касб-ҳунар коллежиди 22 та йўналишда 59 та фан тўғарақлари фаол иш олиб бормоқда. Ушбу тўғарақларга А. Сотиболдиев, И. Абдураимов, А. Расулов, З. Турдиматов, Г. Жўраева, М. Турдиматова, Н. Кенжаева сингари тажрибали ўқитувчилар бириктирилган.

Мен "Ёш тарихчи" тўғарагини олиб бораман. Машғулларимиз қизгин муҳокама ва баҳс-мунозара тарзида ўтади. Бунда мен ўқитувчи эмас, кўпроқ ҳакам сифатида иш олиб бораман. Яъни, тўғарақ раҳбари томонидан тақдим этилган мавзу бўйича ўзаро баҳсга киришаркан, бир вақтнинг ўзида ўқувчининг фикрлаш қобилия-

ти, нотиклик санъати, ифода услуби, энг асосийси, муҳокама юришти ҳамда мунозарага киришиш маданиятини шакллантиришга, юксалтиришга эътибор қаратаман. Тарих ва тақдирлар, аниқ бир воқеликнинг илмий ва баъдий талқини ўртасидаги фарқлар, бундай тафовит сабаб бўлган омишлар борасидаги қизгин муҳокамалар ёшларда наинки илм-фан, қолаверса, даврнинг ўткир ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлари, талабларини тушунишга, англашга рағбат уйғотади.

Умуман, ҳамкасбларимни тўғарақ машғулларини олиб боришда қўллаётган усуллари, унинг ўзига хослиги ҳақида фикр алмашишга, тажрибаларини ўр токлашишга чорлар эдим.

Манзур УМАРОВА,
Бекобод техника-иктисодиёт касб-ҳунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси.

Нуктаи назар

Сайёраимизда экологик вазият тобора ёмонлашаётгани сир эмас. Бу ҳар кимни она табиат олдидаги масъулиятни чуқурроқ эшишга ундаши керак. Шу нуктаи назардан мамлакатимизда табиатни асраб-авайлашга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ижросини таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Агар тарихга назар солсак, атроф-муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўлиш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланишга қадим замонлардан эътибор бериб келинади. Тупроқ, сув, ўсимлик, ҳайвонот оламига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш халқимизнинг миллий қадриятларига хос хислатдир.

Сув ва ҳавонинг тозаллиги ҳамда атроф-муҳитнинг мусоффолиги одамлар саломатлигининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам соғлом ҳаёт кечиришимиз кўп жиҳатдан табиатга қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ. Мутахассисларнинг таъкидлашича, тураржойларда, кўчаларда йиғилиб қоладиган ахлат уюмлари касаллик тарқатувчи бактериялар ўчоғига айланади. Сувни ифлосланган ариқларда вабо, узок муддат туриб қолган озиқ-овқат чиқиндиларида ўткир ичак касалликлари, уй супуридисиди ичбугури, очик ётган ахлат уюмларида сил микроблари ҳосил бўлади.

Баъзан, айниқан озиқ-овқат ва ахлатни яшаш жойларига яқин ерга тўкиш, ҳатто, оқар сувга ташлаб юбориш ҳоллари-га гувоҳ бўлаемиз. Ахир, халқимизнинг "Озодалик – соғлиқ гарови", "Тоза ҳаво – таंगा даво" каби ҳикматли сўзлари бежиз айтил-

СЎЗИМИЗ-У ИШИМИЗ
БИР БЎЛСИН

маган. Атроф-муҳит мусоффолиги ва озодаллигини сақлаш, энг аввало, ўзимизнинг ва яқин кишиларимизнинг сийхат-саломатлигини муҳофаза қилиш дегани-ку!

Биз ота-боболаримизнинг табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаш ҳақидаги пурмаёно сўзларини дилимизга жо қилиб улғайганимиз. Бугунги илм-фан ютуғи, жадал суръатлар билан давом этаётган таракқиёт инсониятнинг табиатга, заминга, экологик муҳитга муносабатини тубдан ўзгартирмоқда.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кучайиб бораётган экологик хавф биздан юксак даражадаги экологик маданиятни талаб этаётир. Агар биз бунга берарво муносабатда бўлсак, бу хавф янада кучайиб табиий муҳитга, у орқали ҳаётимизга тузатиш бўлмас экин етказиши мумкин.

Маълумотларга кўра, сааноат корхоналари кўп ҳудудлардаги табиатга бефарқ муносабат одамлар саломатлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу ерларда

онкологик хасталикка чалиниш эҳтимоли ўрта ҳисобда 18 фоизга етаяпти.


Албатта, бу муаммоларни бирданига, қисқа муддатда бартараф қилиб бўлмайди. Уларга қарши кураш – узок давом этадиган, катта маблағ, замонавий технологияларни талаб қиладиган жараён. Экологик хавфнинг ҳосил бўлиши ва глобаллашиб бориб, ҳақон аҳлига таҳдид солишининг бош сабаби одамларнинг атроф-муҳитга, тозалик ва озодалликка бефарқ ва лоқайдлиги, бир сўз билан айтганда, экологик маданиятнинг пастлигидир.

Табиатга нотўғри муносабат одамлар саломатлигига катта зарба аслида. Дунёнинг баъзи минтақаларида ичимлик суви танқислиги глобал муаммага айланаяпти. Бизда ҳозирча, бундай муаммо йўқ. Аммо, бу хотиржамликка асос бўлмайди. Шунинг учун ёшларга сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси нақадар бебаҳо

неъмат эканини тушунтириб, уларда экологик маданиятни шакллантириб боришни керак. Энг муҳими, ўзимиз шахсий ўрнатқ кўрсатишимиз, ибрат бўлишимиз зарур.

Хуллас, экологик маданият бугунги кунда ҳар бир фуқаро қатъий амал қиладиган тартиб-қоидалар қаторидан мустақкам жой олиши шарт. Чунки, бусиз эртанги кунни, умуман соғлом ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Келажак авлодга табиатни, она сайёрани соғлом ҳолда қолдириш шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Хуришда ТУРСУНБЕКОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



Реклама ва алоқабандлик

"K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ
Тошкент минтақавий филиалида
ўтказиладиган очик аукцион
савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига ТИФ "Миллий банк" Тошкент вилояти бўлимига тегишли Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Янги турмуш ҚФЙ, "Юнусов" маҳалласида жойлашган кўчмас мулк қўйилмоқда. Дўкон биноси, чойхона, бостирмадан иборат, бир қаватли ер участкасининг майдони 0,010 га. Бошланғич баҳоси – 240 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига ТИФ "Миллий банк" Тошкент вилояти бўлимига тегишли Тошкент вилояти, Куйи Чирчиқ тумани, Кетмонтепа ҚФЙ, "Юнусов" маҳалласи, И. Юнусов кўчасида жойлашган кўчмас мулк қўйилмоқда. Тураржой биноси бир қаватли, ер участкасининг майдони 600,0 кв.м.дан иборат. Бошланғич баҳоси – 120 193 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 7 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 5 июнь соат 16.00 гача.

Кўчмас мулклар 2017 йил 7 июнь кунни сотилмас, такрорий савдолар 2017 йил 12, 15, 19 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 12 июндаги савдо учун 9 июнь кунни, 15 июндаги савдо учун 13 июнь кунни, 19 июндаги савдо учун 16 июнь кунни соат 16.00 гача.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат билан биргаликда қўйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

– жисмоний шахслар паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо голибига 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "K'o'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х/р.: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-й, 649-хона. Тел.: (0597) 774-35-53. www.1kms.uz. rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ
"Toshkent mintaqaviy filiali"
бошланғич баҳоси
босқичма-босқич ошиб бориши
тартибиди ўтказиладиган очик
аукцион савдосига таклиф
этади!

Савдога Бўстонлиқ тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан 3711-сонли йилга ижро иши юзасидан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Газалкент шаҳрида рўйхатдан ўтган "Мариям текстиль" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган "MAN CLA 18.280 4x2" русумли, давлат рақами 10L458XAA бўлган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси такоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 150 773 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 18 май кунни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 16 май соат 18.00 гача.

Савдога Бўстонлиқ тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан ЖИБ Бўстонлиқ тумани судининг 13.03.2017 йилдаги № 1-489/54-17-сонли ижро варақаси асосида берилган ҳужмага асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Газалкент-2, "Мариям текстиль сервис" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган "Ваз-21063" русумли, давлат рақами 10M916KA бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 4 254 595 сўм.

Савдога Пискент тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан № 1200-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пискент тумани йўл ҳўжалигида сақланаётган "Маз-5551" русумли, давлат рақами 10 449 МАА бўлган, 1993 йилда ишлаб чиқарилган самосвал қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 70 671 290 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 5 июнь кунни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 2 июнь соат 18.00 гача.

Автотранспорт воситалари билан суд ижро-чилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р.: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслар қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-й. Телефонлар: 233-49-31, 233-28-52. www.rtm.uz. Гувоҳнома № 001805.

"K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди
ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2012 йил 3 август 2-79-12- сонли ижро варақаси ҳамда 11381/24-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" ХК ҳудудида жойлашган қуйидаги савдо дўконлари такоран қўйилмоқда:

1-лот. 19-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 33 862 478 сўм;
2-лот. 20-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 622 992 сўм;
3-лот. 27-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 29 755 790 сўм;
4-лот. 29-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 29 924 981 сўм;
5-лот. 31-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 34 115 359 сўм;
6-лот. 35-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 413 753 сўм;
7-лот. 38-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 478 070 сўм;
8-лот. 46-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 191 684 535 сўм;
9-лот. 64-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 267 359 сўм;
10-лот. 65-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 178 100 сўм;
11-лот. 69-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 23 519 848 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 22 май кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 19 май кунни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижро-чилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "K'o'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х/р. 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-й. Тел.: (0597) 774-35-53. www.1kms.uz. rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди
ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 7 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига:

I. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Ҳўжалик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 11.01.2016 йилдаги № 11-1512/24820-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, "Наврўз" маҳалласида жойлашган ер майдони 30 636,97 кв.м. бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 121 426 700 сўм.

II. Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти, Бекобод тумани судининг 28.10.2016 йилдаги № 1-2767/16-сонли ижро варақасига асосан хат-

ланган, Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, Бунёдор кўчасида жойлашган ер майдони 0,0353 га бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 225 000 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-й манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижро-чилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 5 июнь кунни соат 16.00 гача.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

2017 йил 22 май кунни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган "Очик аукцион" савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган, "Мариям Текстиль Сервис" МЧЖда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такоран қилилмоқда: ЖИБ Миробод тумани судининг 21.05.2014 йилдаги 1-130/2014-сонли ижро варақасига асосан, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01M028NA, "GA3-322132" русумли автомобилга, бошланғич баҳоси – 21 362 213 сўм; ЖИБ Тошкент вилояти, Паркент тумани судининг 18.12.2015 йилдаги 1-349-2015-сонли ижро варақасига асосан 1994 йилда и.ч., д/р. 01U9360A, "Доган" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 7 262 472 сўм. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган авто-

транспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кунни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар ҳар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinaBANK" даги, МФО

01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 хисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топиришлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устас нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Ҳар бир мулкга нисбатан қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов олинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 73-й. Тел.: (95) 193-74-96. e-mail: info@auksion.uz. Гувоҳнома № 005148.

ДИҚҚАТ,
ТУЗАТИШ!

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 22.04.2017 йилдаги 33-сониди берилган эълондаги аукцион савдосининг санаси "11.05.2017 йил" ўрнига "22.05.2017 йил соат 11.00 да бўлиб ўтади" деб ўқилсин. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 73-й. Тел.: (95) 193-74-96. e-mail: info@auksion.uz. Гувоҳнома № 005148.

"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Пискент тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти Ҳўжалик судининг 2011 йил 5 декабрдаги 11-131/19889-сонли ижро варақасига асосан, Пискент тумани йўл Ҳўжалигида сақланаётган, 1998 йил ишлаб чиқарилган, "Маз-5551" русумли, д/р. 10/455 МАА бўлган техник соэ автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 71 903 473 сўм.

II. Аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани суд ижро-чилари бўлими томонидан, ЖИБ Бўстонлиқ тумани судининг 2017 йил 24 февралдаги 1-79-17-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ тумани ИИБ ЙХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1987 йил ишлаб чиқарилган, "Ваз-21063" русумли, д/р. 10W206EA-техник нусоз, (сливовчно белый) рангли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 018 882 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 6 июнь кунни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 2 июнь кунни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижро-чилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "K'o'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000404920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 хисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./Факс: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ангрэн СИБ томонидан 2017 йил 12 апрелдаги 2796/17-3799/17-сонли ижро варақасига асосан, Ангрэн шаҳри, "Дехқон бозори" МЧЖ ҳудудида жойлашган умумий майдони 121.50 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 142 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 5 июнь кунни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 2 июнь кунни соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижро-чилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "K

ТИНЧЛИКНИНГ ҲАР ТОНГГИ НУРАФШОН

Ҳар сафар 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни яқинлашгани сари қалбимизни қандайдир ҳис-туйғулар чулғаб олади. Бойси, бундан 72 йил муқаддам шу куни инсониятни даҳшат гирдобига рубарў қилган фашизм устидан ғалаба қозонилди. Лекин, бу ғалабага осонликча эришилмаган. Минглаб аскарлар қаторида, ўзбек ўғлонлари ҳам тинчлик, осийишта келажақ дея жангга кирган.

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик

Улар қаторида Ўрта Чирчиқ туманидаги "Саидовул-Бахт" маҳалласида истикомат қилаётган Абдукарим ота Норматов ҳам бор эди...

– Ёшимда, – дейди Абдукарим ота урушнинг суронли кунларини эслаб, – Фашистларнинг бир гуруҳини тунда тор-мор қилдик. Уларнинг кўларини қамаштириб, улкан фонарлар тутганимизда, менга бири пичоқ билан ташланди.

Абдукарим отанинг уруш тўғрисидаги хотираларини ҳар гал такрор-такрор эшитсакда, яна қизиқиб тинглайверамиз. Ўзимиз учун янги сабоқ ва ҳулосалар олгандек бўламиз.

Бугун бир кам юз ёшни қаршилаётган Абдукарим ота 1940 йилда, айни навқирон йигитлик пайтида ҳарбий хизматга кетган эди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас уруш

хабари оралади. Абдукарим ота қуролдош дўстлари билан топириқ асосида Кавказ, Молдова, Руминия, Болгария ва Венгрия ҳудудларида фашистлар билан қонли тўқнашуларда қатнашди. Берлинни тиклашда фидойилик кўрсатиб, 1946 йилда ёруғ юз билан она Ватанига, яқинлари қучоғига қайтди.

Сўнг, яна қизғин меҳнатга шўнғиди. Умр йўлдоши Хайри момо билан уч ўғил, тўрт қизни вояга етказди. Ҳозирги кунда ўттиз икки неварга, йигирма саккиз чеваранинг сеvimли бобоси. Ҳар доим: "Шундай бетакрор, Оллоҳ назар солган диёримиз гуллаб-яшнайсин, фарзандларимиз бахти, жаннатмакон юртимиз тинчлиги, фаровонлиги барқарор бўлсин", дея дуога қўл очади...

Даҳшатли уруш бобом Исроил

отанинг ҳам болалигини ўғирлаган. Ҳозирда саксон икки ёшни қаршилаётган бобом энди етти ёшга тўлганида отаси урушга кетган. Бир ўйлаб кўринг, бугун етти яшар болажонлар ота-оналари бағридан митти полапонлар янглиғ мактабга отланади. Бирок, бобом учун бундай дамлар фақат орзу бўлган. Саккиз ёшида етим қолиб, оч-наҳор кун кечириш нақадар оғир. Шунинг учун ҳам Исроил бобомнинг тилларидан дуо тушмайди. Бугунги фараҳбахш кунлар, мусоффо осмон, болаларнинг янграган беғубор кулгулари учун мудом шукрона айтади. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибор, ғам-хўрликдан жуда хурсанд.

Айём арафасида инсон қадри улуғланган юртнинг дуоғўйлари суҳбатида бўла туриб, мустақил, озод, энг асосийси, тинч ва осийишта мамлакат фарзандчилигини, бундай олий неъматни асраб-авайлаш муқаддас бурчимиз эканини яна бир бор ҳис қилдик, она Ватан тараққиёти учун астойдил хизмат қилишга бел боғладик.

Отбек ИСРОИЛОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани.

Маданият

Ўзбекистон Маданият вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамда Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида пойтахтимизда дамли ва зарбли чолғу ижрочилари иштирокида "Санъат гунчалари" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

САҲНАДА "САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ"

Унда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда лицейларининг 137 нафар ўқувчилари иштирок этди. Мазкур танлов салкам 20 йилдан буюн ёш ижрочиларнинг ижодини тарғиб қилиш, истеъдодларни кашф этиш, кўникмаларини янада ривожлантириш мақсадида ўтказилиб келинмоқда.

Танловда ўз истеъдодини намойиш қилган ижрочиларнинг аксарияти дунёнинг турли мамлакатлари, жумладан, Италия, Франция, Польша, Озарбайжон, Россия, Сербия, Беларусь, Қозғистонда ўтказилган халқаро танловларда муваффақиятга эришган.

"Санъат гунчалари"нинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда ва бу танлов ўтган йилдан халқаро миқёсда ташкил этилмоқда. Бултурги кўриқда 153 нафар ўзбекистонлик истеъдодли ижрочилар билан бир қаторда Озарбайжон ва Қозғистондан 169 нафар ўқувчи-ёшлар, шунингдек, Япония, Қозғистон, Россия, Германия давлатларининг машҳур санъат арбоблари ҳакамлар хайъати аъзоси сифатида иштирок этишди.

– Мен саксофон (альт) чолғусини чаламан, – дейди Юкори Чирчиқ туманидаги 24-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Жаҳонгир Бахтиёров. – Танловда голиб бўла олмасам-да, лекин бу мен учун катта мактаб вазифасини ўтади. Ўз устимда кўпроқ ишлашим кераклигини англадим. Келгусида, албатта, голиб бўлишга аҳд қилдим.

Хурида НАЗАРОВА.

СУЛОЛА ИБРАТИ

Хунармандчилик – миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Ота-боболаримиздан мерос қўл меҳнати анъаналари мустақиллик йилларида вилоятимизда ҳам жадал ривожланиб бормоқда.

Хунармандчилик

Ангрен шаҳрида ҳам миллий хунармандчилик асосида устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттираётган заргару қосиблар, темирчилар, ёғочсозлар, тунукачи ва дурадгорлар, бешиксоз ва тандирсозлар кўп. Тунукасоз уста Фаррух Сулаймонов ана шулардан бири.

Фаррух ёшлигидан тунукачилик касби сирларини кунт билан ўрганди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки, бу хона-

гун хунармандлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топиб улгурди. Унинг қўлида сайқал топган қирққа яқин турдаги маҳсулотлар орасида ўзига хос услуб ва дизайнда тайёрланган нақшли қувурлар, самовар, ошхона анжомлари, уй-рўзғор буюмлари ҳамда идишлар устанинг маҳоратидан далолат беради. Дарвоқе, бобомерос хунарни санъат даражасига кўтарган Фаррух Сулаймонов бу сулолада тунукасозлик

қидилдан ўргатиб келмоқда. Ҳозиргача ундан сабоқ олган 30 нафардан ортиқ шогирдларнинг аксарияти мустақил тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, элга хизмат қилмоқда.

– Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар, вилоят ва мамлакат миқёсида мунтазам ўтказилаётган турли танловлар, кўргазмалар бизни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга, изланишга ундайди, – дейди Фаррух. – Келгусида фаолиятини кенгайтиришни ният қилганман. Чунки, ўзбек хунармандчилиги мактаби ниҳоятда бой ва бетакрор. Биз миллий анъаналаримиз асосида яратилган маҳсулотларимиз билан халқаро танлов ва кўргазмаларда ҳам иштирок этишга муносибимиз.

Албатта, хунарманд тайёрлаётган маҳсулотларнинг харидори, мижози – оддий одамлар, маҳаллий аҳоли, уй бекалари ҳисобланади. Моҳир уста ўз маҳсулотларини элга манзур бўлишига ҳаракат қилмоқда.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат.



донда тунукасозлик ажодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган анъана. Дастлаб отаси Абдумалик акадан, кейин акаси Абдуладан сабоқ олган Фаррух бўйича тўртинчи авлод ҳисобланади.

Бугун у "Хунарманд" уюшмаси шаҳар бўлимининг аъзоси сифатида ёшларга ўз касбининг сир-асрорларини сид-

Спорт хабарлари

ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ЗАФАР ҚУЧМОҚДА

Йигирма тўққизинчи маротаба ташкил этилган Осий чемпионатида қитъамизнинг ўттизга яқин давлатидан 170 нафардан зиёд энг зўр боксчилар ўнта вазн тоифасида голиблик учун куч синашмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибига жалб қилинган ўн нафар чарм қўлқоп устасидан бештаси – Муроджон Аҳмадалиев, Санжар Турсунов, Элнур Абдураимов, Исроил Мадримов ва Баҳодир Жалолов Чирчиқ олимпия захиралари спорт коллежи тарбияланувчиларидир.

Осий чемпионатида Муроджон Аҳмадалиев туркменистонлик Шодликмурод Муродовни мuddатидан олдин мағлубиятга учратди. Вилотиямиз боксчиси Исроил Мадримов эса фаластинлик Қосим Абулбаатни 35-сонияда мутлақ устунлик билан енгди.

Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон" спорт мажмуаси мезбонлик қилаётган бокс бўйича Осий чемпионатида ўзбек боксчилари кетма-кет ғалабалари билан муҳлису мутахассисларни хушнуд этмоқда.

Санжар Турсунов кескин ва мурасасиз жангда Жанубий Корея вакили Ким Хёнг Кюдан устун келди.

Жаҳон ва Осий чемпионатлари совриндори Элнур Абдураимов филиппинлик Жеймс Палистени мағлуб этди.

– Рио Олимпиадасидаги ғалабаларимиздан сўнг ўзбек бокс мухлислари биздан Осий чемпионатида ҳам медаллар кутишади, – деди Олимпия ўйинлари совриндори Муроджон Аҳмадалиев. – Бизнинг ҳам мақсадимиз ўз мухлисларимиз кўз ўнгига муваффақият қозониб, шоҳсупага кўтарилиш ва шу йилнинг август ойида Германиянинг Гамбург шаҳрида бўладиган Жаҳон чемпионатидаги йўлланма олишдан иборат.

Осий чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Олимпия чемпиони Ҳасанбой Дўсма-



тов Шри-Ланка вакили Тиванка Сандарувани, Иқболжон Холдоров ҳиндистонлик Ашишни, жаҳон чемпионатлари совриндори Жасур Латипов эса покистонлик Саид Муҳаммад Асифни мағлубиятга учратди.

Олимпия ўйинлари кумуш медали совриндори Шахрам Ғиёсов иорданиялик Зийёд Эзашаш устидан зафар қучди.

Мусобақа голиб ва совриндорлари 7 май куни аниқланади.

Ўз мухбиримиз.

ЁШЛАРНИНГ КИТОБГА ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА Чиноз туманида "Оммавий китобхонлик ҳафталиги" ўтказилди

Туман ҳокимлиги, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, ахборот-ресурс марказлари, "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган тадбирларда ижодкорлар, устоз-мураббийлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар ҳамда ота-оналар иштирок этди.

"Оммавий китобхонлик ҳафталиги" доирасида 27-умумтаълим мактабида эркин мулоқот тарзида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир – китобхонлик кечасида китобнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритилди. Ҳудуддаги умумтаълим мактабларининг энг иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилари ўзларининг

китобхонлик кўникмаларини намойиш этди. Айниқса, улар ўқиган шеър ва ғазаллар, ижро этилган саҳна асарлари қатнашчиларга манзур бўлди.

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ёшларнинг китобга қизиқишини янада ошириш, уларда мутолаа завқини уйғотиш, маҳалла ва ҳар бир оилада китобхонлик мада-

ниятини юксалтиришда катта аҳамиятга эга бўлди, – дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши раиси Шаҳбоз Низомиддинов. – Ёшларнинг китобга, мутолаага муносабати ўзгариб бораётганига шу ҳафталик давомида амин бўлдик. Ўйлайманки, бундай эзгу ишлар ёшларни ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилади.

Ҳафталикда фаол иштирок этган ўқувчи-ёшлар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.

ОЛМАЛИҚЛИК ШУНҚОРЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Чирчиқ шаҳридаги Сержантлар тайёрлаш мактабида ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими ўқувчи-ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят финал босқичи бўлиб ўтди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Муҳофаза ишлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақалар ёшларда ватанпарварлик ҳуйғусини шакллантириш, уларни ҳарбий хизмат ва олий ҳарбий билим юртралига ўқишга киришга тайёрлаш, ҳар томонлама етук мутахассислар бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

"Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят миқёсидаги финал босқичида саралаш ўйинларида голибликни қўлга киритган 18 та жамоа 15 та шарт бўйича ўзаро беллашди.



Қизғин курашлар остида ўтган беллашулар якунига кўра, Олмалиқнинг "Қончилар" жамоаси "Шунқорлар" мусобақасининг вилоят босқичи голиби бўлди. Кейинги совринли ўринлар Беқобод шаҳрининг "Темур ўғлонлари" ва Чинознинг "Шерпояк" жамоаларига насиб этди.

Тошкент вилояти босқичида муваффақият қозongan "Қончилар" жамоаси "Шунқорлар" мусобақасининг республика босқичида голиблик учун курашади.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маънавият:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@uamail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари: 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва Т. МАҲМУДУХҲАЕВ томонидан саҳифаланди.

Масъул котиб
Беҳзод ҚОБУЛОВ
Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусоҳҳиҳ
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА